ГОЛЬФ-КЛУБ ҚУРИЛМОҚДА

Ўзбекистон мустақиллигининг 6 йиллик тўйи арафасида мамлакатимизда биринчи марта улкан Гольф-клуб иншооти ишга туширилиши мўлжалланган. Бу ишни АҚШнинг "Олден старинк" халқаро корпорацияси амалга оширмоқда. Тошкентнинг "Бахт" ва "Роҳат" кўллари ҳудудида бунёд бўлаётган спорт иншоотлари мажмуида мусобақа йўлкалари, бассейн, теннис кортлари, меҳмонхона, ҳатто сунъий шалолалар ҳам бор.

Чарос ҒИЁСОВА.

СОВРИНЛАР ШОДАСИ

Ўзбек самбочилари бу йил Россия ва Мўғулистонда бўлган мусобақаларда қатнашиб 27 та олтин, кумуш, бронза нишонларини олдилар. Давлат мураббийси Бобомурод Файзиевнинг маълум қилишича, ҳозир ўзбек самбочилари Қозоғистонда бўладиган жаҳон чемпионатига қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Осиё қитъаси чемпионлари Озод Илёсов, Баҳром Орзиев, Дмитрий Каминский, Саидикром Алимов каби қирққа яқин ёш самбочилар бу беллашувларда иштирок этиш учун машқ қилмоқдалар.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Шахмат бўйича республика биринчилигида Чирақчидаги Қори Ниёзий номли ўрта мактабнинг 3-синф ўқувчиси Сарвиноз Эргашева Ўзбекистон чемпиони бўлди. Сарвиноз ушбу ғалаба билан октябрь ойида Францияда бўладиган жаҳон биринчилигига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат

"RJ - 85" ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА

Мамлакатимиз миллий авиакомпаниясига қадимий Европа "Аэро Интернэшнл" компаниясининг "RJ-85 самолёти ҳам келиб қўшилади. 85 ўринли, тезлиги соатига 770, учиш масофаси 2500 километр бўлган бу тайёра "А-310" ва "Боинг" каби жуда қулайдир. Икки учувчи бошқарадиган "RJ-85" компьютер билан жиҳозланган. Шундай қилиб, Ўзбекистон аҳолиси ва мамлакатимиз меҳмонлари Бухоро, Самарқанд ва Урганч шаҳарларига замонавий тайёрада сафар қилиш имкониятига эга бўладилар.

Алишер РЎЗИЕВ.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ ФАЙЗЛИ

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили қизғин паллага кирди. Республикадаги 400 болалар оромгоҳларида биринчи навбат бўйича 140 минг ўғил ва қизни юбориш ниҳоясига етди. Ёз давомида ҳаммаси бўлиб 375 минг фарзанднинг сўлим масканларда ором олиши режаланган. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашидан маълум қилишларича, бир қатор йирик корхоналар маъмуриятлари болалар оромгоҳларига оталиқ қилмоқда. Наманган вилоятида бундай масканлар иши яхши йўлга қўйилган.

Раъно ҚУРБОННИЁЗОВА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 24 июнь, сешанба № 73 (22.157).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

*1992 йил 24 июнь — **Чимкент шаҳрида Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасида тарихда биринчи марта воситачиларсиз шартнома имзоланди.***

*1993 йил 24 июнь — **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.***

*1994 йил 23-24 июнь — **Президент Ислом Каримов давлат ташрифи билан Туркияда бўлди. Президентлар — Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл қўшма баёнот имзоладилар.***

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни эришган ғалабангиз — ғалла топшириш бўйича йиллик маррани мамлакатимизда биринчи бўлиб эгаллаганингиз билан чин дилдан қутлайман!

Маълумки, Хоразм воҳасида деҳқончилик қилишнинг ўзига хос мураккаб ва машақатли жиҳатлари бор. Иқлим шароитининг оғирлиги, Орол денгизи билан боғлиқ экологик ҳолат вилоят деҳқонларидан, мутахассис ва раҳбарларидан алоҳида тажриба, билим, меҳнат ва матонат талаб этади.

Хоразмликларнинг азалдан ўз деҳқончилик анъаналари ва мактаблари мавжудки, маҳаллий шароитга мос уруғ танлаб ва агротехник усулларни моҳирона қўллаб гектаридан 41 центнердан ҳосил олдилар. Бу билан воҳанинг мураккаб тупроқ ва иқлим шароитида юқори самарага эришиш мумкинлигини исботладилар.

Вилоят ғаллакорларига, механизаторларига, дала ишларининг моҳир мутахассисларига, барча меҳнат аҳлига чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Эзгу меҳнатингизнинг самараси яхши кунларга буюрсин, юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин бўлсин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ИСТИҚЛОЛИМИЗ ТИМСОЛИ

Қорақалпоғистон Республикаси жамоатчилиги **мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини** катта қизиқиш билан кутиб олди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида ушбу китоб тақдимоти бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, идоралар, бошқармалар, бирлашмалар раҳбарлари, фан ва маданият ходимлари, зиёлилар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, ҳокимларнинг ўринбосарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов, тарихчи олим Азамат Зиё, журналистлар Аслиддин Болиев, Иброҳим Норматов ва бошқалар сўзга чиқиб, мазкур китобда давримизнинг муҳим ва мураккаб муаммолари атрофлича, чуқур таҳлил қилинганлиги, тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўллари белгилаб берилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Уббиниёз Аширбеков қатнашди ва сўзга чиқди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

* * *

«Президентимиз Ислом Каримовнинг янги китоби нафақат юртимизда, балки Марказий Осиё минтақасидан ташқари Европа давлатлари орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди», — дея таъкидланди Самарқанд вилоятида бўлиб ўтган китоб тақдимотига бағишланган йиғилишда. Унда сўзга чиққан республика Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов, Олий Мажлис депутати, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Азим Суюн, Миллий тикланиш партияси марказий кенгаши раиси Иброҳим Ғафуров, Олий Мажлис депутати Ахтам Турсунов, Самарқанд тумани ҳокими Раҳима Ҳакимова ва бошқалар китобнинг аҳамияти, унда олға сурилган ғоялар ҳақида сўзлаб, олдимизга қўйилган вазифалар ва уларнинг ечимлари аниқ сиёсий хулосалар орқали кўрсатиб берилганлигини таъкидладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Алишер Мардиев сўзга чиқди.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***

Хорижий мамлакатларнинг нуфузли сиёсатдонлари ҳам юқори баҳолаётган юртбошимизнинг янги китобига бағишланган Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган тақдимот маросимини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов бошлаб берди. Ўзбекистон Халқ шоири, республика Олий Мажлиси депутати А.Ориповнинг мазкур китобни ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий қиммати ҳақидаги мулоҳазалари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Ҳуқуқшунослик фанлари доктори Акмал Саидов, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Назар Тўраев, таниқли журналистлар Аббосхон Усмонов, Нарзулла Жўраев, Қуддус Аъзамов ва бошқалар мазкур китоб мустақил юртимиз равнақи йўлида дастуриламал эканлиги ҳақида тўхталдилар.

Тақдимот йиғилишида Сурхондарё вилояти ҳокими Жўра Норалиев сўзга чиқди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

* * *

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги «Ийик Ота» жамоа хўжалигида ҳам ушбу китобни ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шоғуломов, адиб Ҳайриддин Султонов, сиёсатшунос С. Жўраев, Миллий тикланиш партияси марказий кенгаши раиси Иброҳим Ғафуров, шоир Азим Суюн ва бошқалар **ушбу китобда илгари сурилган хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш йўллари ва истиқболлари хусусида фикрлар билдириб, ушбу китобнинг миллий давлатчилигимиз равнақи йўлидаги аҳамияти тўғрисида сўзладилар.**

Тақдимот маросимида Тошкент вилояти ҳокими Э. Рўзиев қатнашди ва сўзга чиқди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Янги асрнинг янги асари

* * *

Фарғонада Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг янги асарини ўрганишга бағишланган **йиғилиш иштирокчилари дилида «Асрларга татигулик асар» деган фикр бор эди.** Бу асар республикамиз ўтмиши, бугуни ва келажагини ёрқин ва сермазмун тарзда тавсифлаб ва белгилаб берган. Йиғилишда сўзга чиққан республика Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон Халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири Эркин Аъзамов, иқтисодчи олим Тоҳир Иминов, ҳуқуқшунос олим Ҳалим Бобоев, журналистлар Иброҳим Норматов, Аслиддин Болиев ва бошқалар мазкур асарда давлатимизнинг жаҳон миқёсидаги ўрни юксак даражада таҳлил этилганлигини таъкидладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Н. Мўминов сўзга чиқди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 24 июнидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	46,70
1 Австрия шиллинги	5,11
1 Англия фунт стерлинги	102,93
10 Бельгия франки	17,43
1 Голландия гульдени	31,96
10 Греция драхмаси	2,28
1 Дания кронаси	9,44
1 БАА дирҳами	16,94
1 АҚШ доллари	62,20
1 Миср фунти	18,36
1 Ирландия фунти	93,64
1 Исландия кронаси	0,89
10 Испания песети	4,26
100 Италия лираси	3,68
1 Канада доллари	44,74
1 Хитой юани	7,50
1 Кувайт динори	205,69
100 Ливан фунти	4,05
1 Малайзия рингити	24,72
1 Германия маркаси	35,97
1 Норвегия кронаси	8,57
1 Польша злотийси	19,20
10 Португалия эскудоси	3,57
1 Сингапур доллари	43,53
1000 Туркия лираси	0,42
1 Финляндия маркаси	12,03
1 Франция франки	10,66
1 Швеция кронаси	8,06
1 Швейцария франки	43,13
1 ЭКЮ	70,39
10 Жанубий Корея вони	0,70
10 Япония иенаси	5,38
1000 Россия рубли	10,76
1 Украина гривнаси	33,49
1000 Белорусь рубли	2,31
1 Эстония кронаси	4,91
1 Латвия лати	108,17
1 Литва лити	15,55
1 Қозоғистон тенгеси	0,82
1 Қирғизистон соми	3,69

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

КИМ КИМНИ ИЗЛАШИ КЕРАК?

Ислоҳотлар инсон учун

Сен замонга боқмасанг, замон сенга боқмайди, деган нақлнинг моҳиятини ҳали кўпчилик тушуниб етмаганга ўхшайди. Бу гап айниқса хизмат кўрсатиш соҳалари вакилларига тааллуқли.

Айтайлик, сиз машина тузатадиган устахона ёки сартарошхона очдингиз. Асл мақсадингиз, ана шу ишни яхши йўлга қўйиб, одамларнинг ҳожатини чиқариш ва оила тебратиш. Устахоналарни ишга туширишингиз қийин эмас. Маҳаллий ҳокимликка борсангиз сизга қандай ҳужжатлар кераклигини айтишади ва уларни дарҳол расмийлаштириб беришади.

Аммо, минг афсуски, ҳолва деган билан оғиз чучийвермайди. Сартарошхонани очиб қўйиб, куни билан бекорчиликдан пашша қўриб ўтираверадиганлар кам дейсизми? Сартарошхонангиз доимо гавжум бўлиши учун аввало, сиз моҳир уста, серлитфот ва дилкаш суҳбатдош бўлишингиз керак. Ана ўшанда мижозларингиз кўпаяверади.

Бироқ масаланинг бошқа бир томони ҳам борки, бунга эътиборсиз тадбиркорнинг иши юришмаслиги аниқ. Маълумки, бозор иқтисодиёти асосан талаб ва эҳтиёжга суянади. Тадбиркор ўз маҳсулоти бозоргир бўлиши ёки хизмати яхши баҳоланиши учун истеъмолчилар ва мижозлар талабларини пухта ўрганиши зарур. Қолаверса, иш вақтини ҳам талабгорларнинг бўш вақтига қараб белгилаши зарур.

Бизда эса нима бўлаяпти? Корхона ташкилотлар ва расмий идоралар одатда эрталаб соат 9 дан 18 гача ишлайди. Минг афсуски, кўпгина хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, савдо ва соғлиқни сақлаш тармоқлари, маданият даргоҳларини иш вақти ҳам худди ана шундай белгиланган. Демак, кўриниб турибдики, ишдаги одам биронта хизмат кўрсатиш тармоғи ёрдамидан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бунинг учун у киши раҳбаридан рухсат сўраши керак. Энди, бир куни машинасини тузаттиришга, эртасига «Зангори экран»га, индинига эса, сартарошхонага боришга рухсат сўрайверса, ишни ким қилади?

Шу ўринда, беихтиёр собиқ шўролар тузуми ёдга тушади. Дўппини ишхонадаги стол устига қўйиб, ўз тирикчилиги билан кўчада кезиб юрадиган ходимлар каммиди, ўшанда. Бу ҳолнинг жамиятга салбий таъсирини «Маҳаллада дув-дув гап» бадиий фильмида устоз санъаткор Раҳим Пирмуҳаммедов омбор мудири ролида ўта усталик билан ҳажв қилгани ҳаммамизнинг ёдимизда. Ўша даврнинг ғалати томони шунда эдики, шиорларда «ҳамма нарса одамлар учун» дейиларди-ю, амалда одамлар сарсону саргардон эдилар. Интизомли киши шахсий иши билан ишхонани ташлаб кетолмайди, ишдан кейин борса, ўша ташкилот ёпиқ бўлади. Уни-буни қўйинг, ҳатто баъзи ошхоналарда ҳам тушлик пайти 13—14гача белгиланган бўлиб, овқатлангани борсанг эшигидаги «тушлик танаффус» деб ёзилган тахтачани кўриб, энсанг қотиб кетади.

Энди замон ўзгарди. Бозор муносабатларига ўтаяпмиз. Бозор муносабатларининг асл моҳияти инсонга хизмат қилиш, унга барча қулайликларни яратиш демакдир. Андозани яна бозорнинг ўзидан олиш мумкин. Деҳқон бозорлари эрта тонгдан қош қорайгунча ишлайди. Иш вақтидан олдин ҳам, кейин ҳам бозор-ўчар қилишга имконият топилаверади. Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш тармоқлари саҳар мардондан пешингача ишлайди, орада 3—4 соат танаффус қилиб, кечки пайт аллама-ҳалгача харидорларни ўзига чорлайди.

Демак, тадбиркор одамлар руҳиятини, шарт-шароити-ю имкониятларини ҳисобга олмаса, иш вақтини талабга қараб ўзгартирмаса ниятига ета олмаслиги тайин экан. Шу ўринда маҳаллий ҳокимликлар ўз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган хусусий корхоналар, хизмат кўрсатиш тармоқлари раҳбарлари билан тегишли тушунтириш ишлари олиб боришлари зарурга ўхшайди. Бугунги кунда харидор товарни эмас, товар харидорни, мижоз устани эмас, уста мижозни излаши керак.

А. РАҲИМОВ.

Бу дунёнинг ишлари

НАРКОМАФИЯ БОШЛИҒИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

Чехия полицияси албаниялик наркомафия бошлиғи Али Элни ҳибсга олди. Маълумотларга қараганда Али Эл 4 йилдан буён қидирилаётганлар рўйхатида бўлган. Уни Чехия полициясидан ташқари Германия ва Швейцария ҳуқуқ-тартибот маҳкамалари ҳам қидирган.

САРФ-ХАРАЖАТ КЎПАЙМОҚДА

АҚШ конгресси сенати ҳавфсизликни таъминловчи барча ташкилотларнинг 1998 йилги сарф-харажатлар бюджети лойиҳасини тасдиқлади. Ғарчи айни пайтда бюджетдаги маблағ миқдори сир тутилаётган бўлсада, маҳаллий матбуот хабарига кўра 30 миллиард долларни ташкил этади. Мазкур маблағ Марказий разведка бошқармаси ва ҳавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи 11 маҳкама фаолияти учун сарф этилади.

САЙЛОВНИ ТАЪМИНЛАШ ОСОН ЭМАС

Европадаги НАТО бирлашган қуролли кучларининг олий бош қўмондони Жорж Жоулван 26 июнь куни истеъфога чиқади. У истеъфога чиқиш арафасида Босниядаги НАТО қуролли кучлари сафига яна 3 минг аскарни қўшиш керак, деди. Шундагина маҳаллий органларга кузда бўладиган сайловларнинг ҳавфсизлиги таъминланади. Бу албатта Босния ва Герцеговинадаги доимий кучларни сақлаш тартибига киритиладиган ўзгартиришларга боғлиқ. Ҳозирча бу ерда асосан НАТО мамлакатларини ташкил этадиган 31 минг солдат ва офицер бор.

ҚЎШИМЧА ЖАЗОДАН ҚУТУЛИШМОҚЧИ

Ироқ ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ушбу давлатга нисбатан қўшимча жазо чоралари қўллаш борасидаги саъй-ҳаракатларини танқид қилди.

Маълумки, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироқ ҳукуматини мазкур мамлакатда оммавий қирғин қуролларини қидираётган экспертлар фаолиятига халал бераётганликда айблаган ва қўшимча жазо чоралари қўллаш масаласини кун тартибига қўйган эди. Ироқ ҳукумати эса, Хавфсизлик Кенгашининг барча қарорларига амал қилаётганини билдириб, 1990 йилдан буён қўлланиб келаётган иқтисодий жазо чораларининг бекор қилинишини талаб қилмоқда.

Партия ҳаёти

ФАОЛЛАР ТАШРИФИ

Наманган вилоят партия кенгаши шаҳар ва туманлардаги ўз фаолларини Чуст туманига таклиф этди. Бу ерда партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларнинг боришига бағишланган кўргазмали анжуман бўлди.

Туманда ҳудудий партия ташкилотлари фаолияти бўйича муайян тажриба тўпланган. Жумладан, Чуст шаҳридаги 16 та маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида бошланғич партия ташкилотлари ишлаб турибди. Ташриф буюрганлар шаҳардаги Себзор, Гулистон маҳаллаларидаги партия ташкилотлари иши билан танишдилар. Жумладан, 2-ҳунар мактаби, Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини ва бу ердаги бошланғич партия ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик туфайли тарғибот ишлари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари намунали йўлга қўйилган. 22 нафар ХДП аъзоси ҳамкорликнинг ташкилотчилари бўлишди.

«Зарафшон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси партия ташкилоти фаолияти ҳам котиблар диққатини ўзига тортди. Партия фаоллари бош бўлган уюшманинг ғишт заводи, тикувчилик, дурадгорлик ёрдамчи корхоналарида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуман якунида тажрибалар ўртоқлашилди, янги вазифалар белгиланди. Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Н. Қозоқов барча бошланғич партия тузилмаларида ушбу тажриба асосида иш олиб бориш афзалликлари ҳақида нутқ сўзлади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТИЖОРАТЧИЛИК ҲАМ САНЪАТ

Бозор иқтисодиёти: ютуқлар ва муаммолар

Ҳудойберди ИРИСҚУЛОВ 1957 йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги «Мойбулоқ» қишлоғида туғилган. У икки ихтисос эгаси. Самарқанд архитектура-қурилиш институти ва кейинчалик Тошкент Давлат иқтисодиёт дорилфунунида таҳсил олган. Айни пайтда Сирдарё вилояти «Янгиернон» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Меҳнатобод туманидаги нон корхонасига раҳбарлик қилмоқда.

— Хабарингиз бор, кўпчилик тижоратчилар хориждан мол келтиришяпти... Сиз ғарб тижорат илмидан хабардор киши сифатида уларнинг ўрнида бўлсангиз, ишни қандай бошлардингиз?

— Хорижга бордингизу мол олиб келдингиз, қайтгач ўша маҳсулотни сотасиз, шу билан маблағингиз бир марта айланади. Ишингизни давом эттирсангиз яхши, акс ҳолда бу билан бойиб қолмайсиз. Ўша ёқда маълум муддат юриб хорижий технология, маркетинг, илмий хизматнинг амалий жиҳатларини ўрганиб келиб, ўзимизда бирор корхона очиб жорий этганингизда борми, сиз ҳақиқий ишбилармон бўлардингиз.

— Сиз хизмат юзасидан турли-тоифа одамлар билан учрашасиз. Айтингчи, учрашган одамларингизнинг қайси жиҳати сизга маъқул келади ва қайси томонлари сизни ташвишга солади. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги муаммолар тўғрисида ҳам тўхталсангиз...

— Аввало дипломат одамларга ҳавасим келади. Улар ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетади, ишниям битиришади, уни илк суҳбатдаёқ яхши кўриб қоласиз. Яна табиатан изланувчан раҳбарларга ҳаваси келади, улардан ниманидир ўрганиш, маслаҳатлашиш пайида бўламан. Минг афсуски, туманларда ўз амал курсисига ёпишиб олган ва бурнидан нарини кўра олмайдиган раҳбарлар ҳам оз эмас. Деҳқонча қилиб айтганда, бундайлар кетмонгаям соп бўлишолмайди. Айни шу раҳбарлар ҳозир ҳам ислоҳотларга тўғаноқ бўлишяпти. Буни очиқ айтсанг, тағин кимларгадир ёқмайсан. Ҳамма бало шунда. Агар дунёга зийраклик-ла боқсангиз бугун аслида елиб-югурган, тадбиркорга қайишган раҳбарлар ютаяпти, уларнинг бировдан тили қисқа жойи ҳам йўқ.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий муаммоларидан бири иқтисодиётни барқарорлаштириш, инқирозларни бартараф этиш йўли билан аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган талабларини тўлароқ қондириш ҳисобига турмуш тарзини юксалтиришдан иборатдир. Бунда ҳисоб-китобларнинг тўғри ва ўз вақтида юритилиши, миллий пул бирлигининг қадрини ўстириш, қонун билан белгиланган солиқ тўловлари ва тушумларнинг ўз вақтида ўтказилиши, қарздорликка йўл қўймаслик жуда катта аҳамият касб этади.

— Худойберди Ирисқулович, сизнинг Сирдарё вилоятидаги оғир туман — Меҳнатободга келишингиз сабаби нимада? Ҳозирги иш фаолиятингиз тўғрисида, қолаверса қишлоқ турмушида тадбиркорликни ривожлантириш, мулкчилик шаклини ўзгартиришга нималар тўсиқ бўлаётганлиги тўғрисида ҳам тўхталсангиз?

— Ҳақиқатдан ҳам Меҳнатобод тумани Сирдарё вилоятидаги чўл қўйнида ўрнашган кенжа туманлардан бири. Туманда табиат инжиқликлари исталган пайтда ҳуруж қилиб қолиши мумкин, хўжаликлар тўла оёққа туриб олмаган, тармоқларни малакали кадрлар билан таъминлаш соҳасида ҳам жиддий муаммолар бор. Мен иш фаолиятимни даставвал ана шу туманда бошлаб шу даражага эришганим учун ҳам бу ерга келиб ишлашга жазм этдим, қишлоққа саноат, кичик бизнеснинг кириб келиши тарафдориман. Шу сабабли фаолиятимни туман тақдири билан боғлашга аҳд қилдим. Ҳозир Янгиер шаҳар нон ҳиссадорлик жамиятига қарашли тумандаги нон корхонаси раҳбариман. Корхонамизда айни кунларда сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда, 47, 95-қурилиш жамламалари улкан ишларни амалга оширишмоқда.

Корхонамиз ишга тушгач бир кунда 5 тонна нон маҳсулотлари тайёрлаш, кейинчалик маҳсулот ҳажмини 17 тоннага етказиш кўзда тутилган, яъни туманимиз аҳолисини нон маҳсулотлари билан қондиргач кейин қўшни туман аҳолисига ҳам маҳсулот етказиб бера бошлаймиз. Хуллас, буларнинг ҳаммаси келажакдаги режаларимиз. Ҳамма нарсанинг бошланиши қийин бўлади. Интилганга толе ёр дейдилар-ку, ахир.

Тадбиркорлик йўлига ғов бўлаётган таъмагирлик, порахўрликка қарши қаттиқ курашиш пайти келди.

Иккинчидан, ниҳоят жойларда фермерлар ўқишини таълим тизимининг дунё тамойилларига мос дастурлар асосида ташкил этиш даркор. Токи фермер воситачиларга суяниб юрмай исталган хорижлик билан мулоқотга кириша оладиган даражадаги билиму маълумот, малака эгалласин.

— Ўзингиз ҳам бу борада тадқиқот олиб бораётган экансиз, деб эшитдим...

— Дорилфунун аспирантурасига киряпман. Мени кўпроқ солиқ тизими муаммолари қизиқтиради. Насиб этса, Тошкент Давлат аграр университетида тадқиқот ишларимни охирига етказмоқчиман. Иброҳим Жонузоқов билан ҳамкорликда «Тижорат ҳам санъат» китобимни битириш арафасидамиз.

— Омадингизни берсин!

Суҳбатдош: Бозорбой БЕКМУРОДОВ.

НИЁЗХЎЖА ҲАМ ҒАЗЛИ БЎЛДИ

Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги Даврон Бобоқулов номли жамоа хўжалигида хонадонларни газлаштириш ниҳоясига етай деб қолди. Яқинда хўжаликнинг Ниёзхўжа, Қорёғди қишлоқларига ҳам 6,2 километрли газ қувурлари ётқизилди. Бу ишни сифатли бажарган «Бафо» кичик корхонаси жамоаси ғайрати билан қишлоқ хонадонларида «зангори олов» порлади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИРИ БИРИДАН ШИРИН...

ГЕКТАРИДАН 50 ЦЕНТНЕР

Пахтачи тумани ғаллакорлари режани уддаладилар. 5120 тонна сара ҳосил хирмонга уйилди. 2831 гектар сувли, 1630 гектар лалми ерда деҳқончилик қилган миришкорлар табиат инжиқликларига қарамай, гектаридан 50 центнердан ҳосил кўтардилар. М.Назаров, Охунбобоев номли, «Навбаҳор» жамоа хўжаликларининг М.Йўлдошев, А.Қосимов, М.Вафоев ва М.Аллаёров бошлиқ комбайнчилари 10 та «Кейс», 50 та «Нива» агрегатларидан унумли фойдаландилар.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

ҒИШТ ҚОЛИПДАН КЎЧДИ

АММО ЗАРАРНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Қонун — барча учун баробар. Уни бузишга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Шу жумладан ҳокимларга ҳам. Аммо, таассуф билан қайд қилиш керакки, айрим ҳокимлар, фуқаролар йиғинлари раислари гўёки ўз ҳудудидаги «ўзига тегишли бўлган» ердан ўз ҳоҳишлари бўйича, ўз манфаатларига мос тарзда фойдаланишга уринишмоқда.

1994 йилнинг 22 ноябрида Шовот шаҳарча фуқаролар йиғини раиси бир гуруҳ тадбиркорларга хусусий дўкон ва маиший хизмат шаҳобчалари қуришлари учун ер участкаси ажратиш ҳақида қарор чиқаради. Маскан шаҳарчанинг энг кўркам ва қулай манзили — Комилжон Отаниёзов номли шох кўчасида жойлашган болалар шифохонаси ёнидан ажратилади. Мазкур қарор қабул қилинишидан бир ой олдин — 20 октябрда тузилган ер танлаш ҳақидаги «Далолатнома»га тўққиз кишилик комиссия аъзоларидан уч нафари — туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Ж. Қозоқов, туман марказий шифохонаси бош врачи К. Йўлдошев ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакили имзо чекишмайди. Сабаблари, бош электрик эътирозича, бош режага кўра бу майдондан кўча бўйлаб юқори кучланишли ер ости электр кабеллари ўтказилган. Бош врач норозилиги боиси, бош режа асосида ҳудуд аслида болалар шифохонасига тегишли ва тағин касалхона олд қисмида санитария меъёрлари учун ер бўлиши ва бундай иҳота зонасига дўконлар, шовқин-суронли хизмат шаҳобчалари қуриш мумкин эмас. Табиат қўмитаси вакили эса бу ердаги мевали ва манзарали дарахтлар йиқитиб ташланишига қарши турган.

Эътиборли томони — туман санитария эпидемология станцияси бош врачи Т. Ҳасанов мазкур масалада қатъиятсизлик кўрсатади — «Далолатнома»га шартли равишда имзо чекади. Чунки, кейинчалик суд жараёнларида у ҳоким тарафини олиши керак эди. Шовот туман суди низоли масалани кўриб чиққан пайтда даъвогарларнинг: «Пестицид мавжуд тупроқли майдонда бинолар қуриш мумкинми?» деган саволига Т. Ҳасанов: «Ҳеч зиёни йўқ. Фалон пестицид сақланган омбор ўрнида ҳозирда сабзи етиштирилиб, тановул қилишяпти» деб жавоб қайтарди...

Булар ҳақда бир навбатдан. «Далолатнома»га қайтайлик. Юқоридагиларга асосланса, бундай ҳужжат ҳуқуқий кучга эга эмасди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 27 майдаги 248-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ер участкаларини олиб қўйиш ва уларни қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун беришга доир материалларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом» талаблари бузилганди. Шу ҳақдаги эътирозга фуқаролар йиғини раиси қулоқ осмади. Фикрича, у ернинг «ҳақиқий эгаси». Кабел ўтса-ўтар, ёғочлар йиқилса, янгитдан экилар. Болалар шифохонасининг куни шу майдончага қараб қолмас...

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакилларининг қаршиликларига ҳеч ким қулоқ осмади. Тадбиркорлар ишни бошлаб юбордилар. Шифохонанинг чўян панжаралари улоқтирилди, юздан зиёд дарахтлар йиқилиб, майдонда қурилиш бошлаб юборилди.

Ниҳоят масалага аралашишга мажбур бўлдик. Фуқаролар йиғини раисининг қарорини бекор қилишни сўраб туман ҳокими Й. Ҳожиевга протест юбордик. Аммо, протест ижобий ҳал бўлмади.

Судга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Масалани Қўшкўпир туман суди кўриб чиқди. Суднинг ҳал қилув қарорига назар солсак — ҳокимлар ҳақ. Негаки, «ер танлаш тўғрисидаги далолатномага тўққиз нафар комиссия аъзосидан фақат бир киши — табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси инспектори А. Отамуротов имзо чекмаган...» «...бу ҳақда тайинли фикр билдирмаган», «... шу сабабли қурилиш ишлари бошлаб юборилгани, ҳозирда узунлиги 120 метрдан иборат майдонда фақат олти дўкон қурилиши бошланганн», «дўконлар қурилса шаҳарнинг архитектураси яхшиланиши», «қурилиш тўхтатилса, катта моддий зарар етказилиши» инобатга олинганмиш. Ва шу сабабдан: «ер ажратиш тўғрисидаги қарор ўз ваколати доирасида қабул қилинганмиш. Судга раислик қилувчи Отабой Дусчонов бу ўринда қонунни эмас, балки ёшуллиларни қўллади.

Суд раиси далолатномага уч киши имзо чекмагани ҳақдаги эътирозларни қулоғи ёнидан ўтказиб юборди. Яна бир томони — суд жараёни 1995 йилнинг 31 август куни бўлиб ўтди. Бу пайтда далолатномада яна бир қалбаки имзо пайдо бўлиб қолганлиги аниқ. Гўёки, 1994 йилнинг октябрь ойида туман марказий касалхонасида бош врач бўлиб К. Йўлдошев ишлаган-у, далолатнома тузиш вақтади у киши ўз иш ўрнида йўқлиги боис «ўрнига бош брач муовини Б. Ортиқов имзо чеккан» эмиш. Аслида Б. Ортиқов 1993 йилнинг 9 июлидан 1995 йилнинг 6 январигача вилоят марказидаги «Тибтаъминот» савдотаъминот корхонасида директор бўлиб ишлаган. 1994 йил октябрида тузилган ҳужжатга у кишининг имзо чекиши... ажабланарли. Бу ҳол ўз айбини бекитиш, айтганини бўлдиришдан бошқасини билмайдиган қонунбузарларнинг яна бир қилиғи, холос. Суд раиси сохталаштирилган ҳужжат имзосини ҳам, бошқа гувоҳларни чақириш ҳақдаги сўровларни ҳам инобатга олмади. «Енгиб чиқди», аниқроғи ҳоким олдида юзи ёруғ бўлди.

Яна бир муҳим факт: давлат экологик экспертизасининг якуний хулосасида дўкончалар қурилиши учун ажратилган майдон аслида туман болалар шифохонасига тегишли эканлиги, бу ерда қачонлардир туман СЭСининг заҳарли кимёвий моддалар омбори бўлгани, унинг тупроқ таркибида хлороорганик моддалар — заҳарлилиги жиҳатдан биринчи даражали пестицидлар рухсат қилинган меъёрдан тўрт мартадан 130 (!) мартагача ортиқлиги кўрсатилган. «Хулоса»га кўра бу ерда дўкон қуриш эмас, балки тупроқ умуман фойдаланишга яроқсиз деб топилиб, атрофи тўсиқ билан ўралиб, юқори даражада заҳарланганлиги ҳақда белги қўйилиши керак. (Тан олиш керак, мазкур экспертиза хулосаси суд томонидан тайинланганидан сўнг амалга оширилди).

Аммо, тўққиз нафар масъул ташкилот мутахассиси имзолаган давлат экологик экспетризаси хулосасига ҳам суд ўзича «важлар» топди. «Гувоҳларнинг кўрсатмаларидан маълум бўлишича, низоли ер участкасининг бир чеккасида бундан йигирма йил мўқаддам эски касалхонанинг кўмирхонаси бўлиб, заҳарли кимёвий моддалар шу ерда сақланган ва қолдиқлари мавжуд. Лекин, мутахассисларнинг фикрича (қайси мутахассисларнинг!) «тупроқ таркибида бўлган шу тупроқни кўчириб ёки бошқа усуллар билан зарарсизлантириш мумкин ва бу ишнинг ҳажми катта бўлмайди». Демак. Ҳар қандай ҳолда ҳам қурилишни тўхтатиш мумкин эмас.

Суд мажлисида қатнашган туман ҳокимлиги вакили, яъни туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича муовини Б. Ражабов айтган барча фикрлар суднинг ҳал қилув қарорида айнан акс этди. Суд «оқ йўл»идан сўнг касалхона ёнида яна тарақ-туруқ бошланди. Ер текисланди, пойдевор тикланди, гишт келтирилди.

Биз дўкондорларни низоли масала ҳал бўлмагунча қурилишни тўхтатиб туриш ҳақда огоҳлантирдик. Лекин, маҳаллий ҳокимлик ва суднинг қўллашидан руҳланган айрим дўкондорлар ишни давом қилдиравердилар.

Қўшкўпир туман судининг қарорини ўзгартириш тўғрисидаги протестимизни 1995 йилнинг 23 ноябрида вилоят судининг фуқаролик иши бўйича судлов ҳайъати ҳам оқибатсиз қолдирди. Чунки, бу пайтга келиб «ер низоси»га вилоят миқёсидаги айрим раҳбарлар ҳам аралашгандилар..

Ана шу пайтда Хоразм вилоят прокурори Юсуфбой Раҳмонов бизни қўллаб-қувватлаб, 1996 йилнинг 16 январида вилоят судининг раёсатига протест билдирди ва Қўшкўпир туман суди ҳал қилув қарори ва вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажримини бекор қилиб, ишни янгитдан кўриш учун юборишларини сўради.

Протестдан сўнг иш тағин судга — бу гал «майдон эгалари» Шовот туман судига қайтарилди. Биринчи марта судга мурожаат қилганимизда Шовот туман судининг ваколат муддати тугаб, бу вазифани вақтинча Қўшкўпир туман суди бажараётганди.

1996 йилнинг 18 апрелида бўлиб ўтган Шовот туман суди мажлисида Қўшкўпир туман судидаги «Томоша» тўла қайтарилди. «Ер эгалари» ўзларининг «ҳақ»лигини исботладилар. Судга раислик қилувчи Ш. Холмуротов касбдоши О. Дўсчонов усулини қўллади — прокурор даъвоси рад қилинди. Далолатномага имзо қўймаганлар гувоҳ сифатида чақирилмадилар. Сохта имзодан кўз юмилди.

Худди шу пайтга келиб, вилоят суди раҳбариятида катта ўзгаришлар содир бўлди. Хоразм вилоят кенгашининг навбатдан ташқари III сессиясида Президентимиз Ислом Каримов вилоят суди раҳбарларининг ҳақиқий қиёфаларини кўрсатиб берди. Сессиядан кўп ўтмай суднинг бир қатор раҳбарлари ўз вазифаларидан озод қилинди.

Шу пайтда билдирган протестимиз инобатга олиниб, вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати бу ишни кўришни ўз зиммасига олди. Худди шу ҳайъат 1996 йилнинг 14-16 октябрь кунлари ишни кўриб чиқиб, бизнинг даъвомизни тўла қондирди.

Аммо, «жабрдийдалар» тинчишмади, ўзларини «ҳақ» деб билиб, тағин юқорига мурожаат қилишди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 1996 йилнинг 22 ноябрида бўлиб ўтган суд мажлисида «жабрдийдалар»нинг аризасини кўриб, қаноатлантирмаслик ҳақда ажрим чиқарди...

Умуман, икки йил давом қилган, асабларни емирган, тадбиркорларни чарчатган бу жанжални нега муфассал келтирдик? Бизни ўйлантирган томонлари кўп. Қонун бир, барча учун баробар эканлигини яхши билган қонун ҳимоячилари-суд ҳайъатларининг турлича қарор чиқаришларига сабаб нима? Маҳаллий раҳбарлар билан орани бузмасликми? Ёки қонунларни менсимасликми? Халқ орасида машҳур: «Қозончининг эрки бор, қайдан қулоқ чиқарса» маталини айрим ҳакамлар ўзлари учун иш услубига айлантириб олганларими?

Мазкур низоли воқеалар жараёнида масъулиятни ҳис қилган, қатъий турган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимларига тасаннолар айтиш керак. Ахир, айрим жойларда табиат муҳофазачиларининг маҳаллий раҳбарлар билан орани бузмаслик учун қонундан четланишга йўл қўйиш фактлари ҳам учраб турибди-ку!

Қонунни бузиб, охир оқибатда кураги ерга текканлар нима қилишяпти, дерсиз?

Ҳокимнинг қурилиш масалалари бўйича муовини Б. Ражабов ҳамон ўз ўрнида. Бўлиб ўтган барча суд жараёнларида ҳоким муовини ўта жонбозлик кўрсатган, бизлар, яъни даъвогарларни «Президентнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги Фармонларига қарши кишилар» деб атаган, ҳатто «халқ душмани» дейишдан қайтмаганди. Давлат қонунлари бузилганини била туриб, яна ўзини ҳақ атаб, охиригача «курашиш»дан тап тортмайдиган Б. Ражабов эндиликда ҳам ана шундай қонун бузиш ҳолларига йўл қўймайди деб ким кафолат бера олади?

Қўшкўпир туман суди раиси бўлган О. Дўсчонов бугунда вилоят адлия бошқармаси бошлиғи. Ш. Холмуротов ҳам ҳамон ўз ўрнида. Ернинг «ҳақиқий эгаси» — туман ҳокими Й. Ҳожиев эса пенсияга чиқди ва қишлоқ фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. У кишининг мазкур ҳудудда ердан қандай фойдаланишини энди тасаввур қилиш қийин эмас...

Бекпўлат КЕНЖАЕВ,
Орол табиатни муҳофаза қилиш прокурори муовини, адлия маслаҳатчиси.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ТОҒЛАР КЎКСИДАГИ ДОҒЛАР»

«Ўзбекистон овози»нинг 1997 йил 3 апрель сонида чоп этилган «Тоғлар кўксидаги доғлар» сарлавҳали мақолани Угом-Чотқол давлат «Миллий табиат боғи» жамоаси орасида ўрганиб чиқдик.

Ҳозир «Миллий боғ»нинг 574600 гектар тоғли ҳудудида 49 нафар давлат нозири фаолият кўрсатмоқда. Албатта, буларнинг иқтисодий, моддий, техник ресурслар, кадрлар муаммолари мавжуд. «Миллий боғ»нинг бутун иш фаолияти давомида 1800 дан ортиқ табиат муҳофазаси қонунлари бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар аниқланган. Табиат муҳофазаси қонунларини бузувчилардан 40 та ов милтиғи, 64 та қонунга хилоф равишда балиқ овлаш анжомлари тортиб олинган ва уларнинг эгалари маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилган. «Миллий боғ» нозирлари доимо рейдда бўлишади, уларнинг ўтириши учун муқим идоралар йўқ.

Броконьерлик ҳодисалари мавжуд, бундан кўз юмиб бўлмайди, лекин ҳар бир дарё, сой, дарахтларга нозирларни қўйиш имкони йўқ. Броконьерлик ва табиат муҳозафаси қонунлари бузилишига йўл қўймаслик учун экологик ташвиқот билан бирга маҳаллий аҳолини ҳам жалб этиш керак. Вилоятимиз тоғларида ёввойи ҳайвонлар ҳаёт тарзини қисман таъминлаш мақсадида «Миллий боғ» ва ўрмон хўжаликлари томонидан ишлар олиб борилмоқда. Кам учрайдиган ҳайвонлар сони муайян миқдорда сақлаб турилмоқда. «Миллий боғ»нинг ички муаммолари мавжуд бўлиб, ер эгалари ва ердан фойдаланувчи ташкилотлар, фуқаролар ва корхоналар билан бўладиган алоқани мувофиқлаштириш зарур. Бунда матуботнинг роли каттадир, чунки «Миллий боғ» ҳудудида жойлашган ташкилотлар томонидан «Миллий боғ»нинг режими бузилишига йўл қўйилмоқда. «Миллий боғ» ҳудудида ташкилотлар, корхоналар ва фуқаролар томонидан табиат муҳофазаси қонунлари бузилиши натижасида табиатга 3 — 3,5 миллион сўмгача зарар келтирилмоқда. Бу келтирилган зарарни ундиришда суд ва хўжалик судларининг таъсири каттадир. Бизга қишлоқ оқсоқоллари, ички ишлар бўлими ва жойлардаги жамоаларнинг ёрдами керак. Бу ерда масаланинг моҳиятини чуқурроқ ҳал этиш лозим. «Миллий боғ» режимининг бузилишига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси деградациясига ва ер эрозиясига олиб келаётган сабаб ҳаддан ташқари кўп мол боқилишига йўл қўйилаётганидир. Жаҳон «Миллий боғ»лари мисолида сўз юритиш осон, лекин ҳаётий муаммоларни ечиш механизми ишлаб чиқилмагани барча ҳаракатларни зое кетказади.

1997 йилдан Угом-Чотқол «Миллий боғ»»и «Ғарбий Тянь-Шань тоғларида биологик ҳар хиллик сақлаш» бўйича халқаро лойиҳани амалга оширувчи объект бўлиб турибди. «Миллий боғ» Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон ҳукуматлари орасида тузилган шартнома асосида иш олиб боради. Бу лойиҳа ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш борасида кўп ишларни ўз ичига олган. Ўйлаймизки, халқаро ҳамжамият ёрдамида тоғлардаги доғларни кетказишга ҳаракат қиламиз.

Угом-Чотқол ДМТБ директори Р.МИРАЙИПОВ.

«БОШЛИҚ «УТВЕРЖДАЮ» ДЕБ ИМЗО ЧЕККАЧ...»

Рўзноманинг 1997 йил 5 июнь сонидаги «Бошлиқ «Утверждаю» деб имзо чеккач...» сарлавҳали мақола барча бўғиндаги раҳбарлар иштирокида атрофлича муҳокама этилди.

Мақолада тилга олинган «Фазо» меҳмонхонаси бошқарувчиси Д.Расулов, «Учувчи» ташкилоти раҳбари И.Саидхонов, вилоят тери-таносил касалликлари диспансери бош ҳакими С.Ботировлар Ўзбекистон Республикасининг ‘Давлат тили ҳақида»ги қонун бажарилишини таъминламаганликлари учун қаттиқ огоҳлантирилди.

Ҳозирда мазкур меҳмонхона ва шифохонада мақолада қайд этилган камчиликлар тўла бартараф этилди. Наманган вилоят ҳокимлиги Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни тўлиқ бажарилиши юзасидан барча чора-тадбирларни кўриб боради.

Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари, «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга ошириш вилоят комиссиясининг раиси Д. ДАДАЖОНОВА.

«АЛАМ ҚИЛМАЙДИМИ?»

Вилоят ҳокимлиги томонидан рўзноманинг 1997 йил 22 февраль сонида чоп этилган «Алам қилмайдими?» сарлавҳали мақола ўрганиб чиқилиб қўйидагиларни билдиради.

Нишон туманидаги Толлимаржон посёлкасини газлаштириш 1990 йилда лойиҳалаштирилган. Лойиҳага асосан посёлкани газлаштириш учун 18,5 км узунликда магистраль газ йўллари ва газ тақсимлаш станцияси қурилишини амалга ошириш керак.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Қарши магистраль каналидан фойдаланиш бошқармаси буюртмаси асосида 2-сон «Ўзбекгазқурилиш» трести иш бошлаган. 1992—93 йилларда магистраль газ йўллари трассаси бўйлаб 11.3 км. 159 мм. сиғимли газ қувурлари ётқизилган. Қолган қисмига буюртмачи томонидан маблағ ажратиш масаласи ҳал этилмаганлиги сабабли қурилиш ишлари тўхтатилган. Шу тариқа ушбу қурилишни давом эттириш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан маблағ ажратиш масаласи бугунга қадар ҳал этилмасдан келинмоқда.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ушбу газ йўллари қурилишини тез орада охирига етказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 26 декабрь 538-Ф-сонли фармойиши билан «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорациясининг 1996—98 йилларга мўлжалланган қурилиш дастурига киргизилди.

Дастур бўйича «Ўзбекнефтгаз» корпорациясига қарашли «Ўзбекгазузатиш» давлат бирлашмасига топширган. Лекин айни пайтга қадар мазкур иншоотда ишлар бошлангани йўқ. Бу масалада «Ўзбекнефтгаз» корпорациясига мурожаат қилинди. «Ўзгазузатиш» давлат бирлашмасидан олинган жавоб хатида, бу иншоотни лойиҳалаштириш ва қурилиш иншоотларида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буюртмачи бўлганлиги ва ушбу масала бўйича шу вазирликка мурожаат қилиш сўралган. Вилоят ҳокимлиги Толлимаржон посёлкасини газлаштириш масаласини ўз назоратига олган. Ушбу масалани охирига етказиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.КАРИМОВ.

Куни кеча Колорадо штатининг Денвер шаҳрида дунёнинг 8 илғор мамлакати давлат раҳбарларининг учрашуви якунланди. Бу саммит давомида кўпгина йирик масалалар муҳокама қилинди. Айниқса, инсон

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

ҳуқуқлари масаласига алоҳида эътибор берилди. Учрашув қўшма якуний ҳужжатлар имзоланиши билан якунланди.

* * *

Молдавия пойтахтига Пентагон раҳбарининг ўринбосари Жон Уайт бошчилигидаги АҚШ Мудофаа вазирлиги делегацияси ташриф буюрди. Америка ҳарбийларининг нияти — республика Мудофаа вазирлиги раҳбарлари билан учрашиб, Молдавия миллий армияси қисмларидан бирини кўздан кечиришдир.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

«Рейтер» агентлиги маълумотига кўра, Шимолий Корея «озиқ-овқат танқислиги ва табиий офатга қарамай, биз сўнгги жангга шаймиз» дея АҚШ ва Жанубий Кореяни огоҳлантирган. Шимолий Корея армияси юқори лавозимдаги вакили: «Аксарият аскарларимиз қишлоқ хўжалигида бандлиги учун душманларимиз мамлакат ўзини ҳимоя қилолмайди, дея ўйламасинлар» — деб таъкидлаган. Экспертларнинг фикрича, Жанубий Корея армияси яқинда ўтказган машғулотларни Шимолий Корея ўзига нисбатан қўлланаётган иғвогарлик дея баҳолаб шундай баёнот берган.

* * *

Ёш французлар миллий анъаналардан чекланиб, француз виносидан кўра «Кока-кола»ни афзал билмоқдалар, дея хабар беради Британиянинг «Таймс» газетаси. Газетанинг уқтиришича, ёшларнинг «Кока-кола»га бўлган иштиёқини тасодифий деб бўлмайди. Француз ёшлари барча соҳада, айниқса еб-ичишда америкалик тенгдошларига ўхшашга интиладилар. Француз ёшларининг энг ёқтирган таоми ҳар хил гамбургер, чизбургерлар бўлиб, улар фақат «Кока-кола» билан истеъмол қилинади. Тиббиёт олимлари винонинг фазилатларини афзал деб баҳолагунга қадар француз ёшларининг америкалашуви ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди, дея ёзади мақола муаллифи.

* * *

Британия олимлари узоқ умр кўришнинг сирини топдилар, деб ёзади «Дейли телеграф» газетаси. Маълум бўлишича, узоқ, ақалли юз йил яшаш учун, биринчидан, киши аввало мустақил ва ҳазил-мутойибага мойил бўлиши, замонага қараб қадам ташлаши лозим. Иккинчидан ва энг муҳими, кишининг ирсиятида узоқ яшовчиларнинг белгиси бўлиши керак. Масалан, Буюк Британияда узоқ умр кўрганларнинг ота-оналари ҳам 100—105 йил яшаганлар. Бундан ташқари, узоқ умр кўришнинг сирларидан бири ҳаёт ва ўлимнинг фалсафий идрок этиш билан изоҳлар экан. Масалан, британиялик узоқ умр кўрувчилар ўлимни ҳаётнинг энг яхши туҳфаси, дея қабул қиладилар ҳамда уни тирикликнинг гўзал давоми, деб ҳисоблайдилар.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

БЎЛАЖАК САЙЛОВЛАР АРАФАСИДА

Албания ҳам кейинги вақтда дунёнинг нотинч минтақаларидан бирига айланиб қолди. Бўлиб ўтган қуролли қарши-ликлар ва тўқнашувлардан кейин бу мамлакатда ўтадиган навбатдан ташқари парламент сайловларига саноқли кунлар қолмоқда. У шу йилнинг 29 июнида бўлиб ўтади. Сайловдан сўнг шу пайтгача давом этган бошбошдоқликлар ҳамда қуролли тўқнашувлар ортда қолиб, бу давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам барқарорлик жараёни бошланади, дея умид билдирилмоқда. Сиёсатчиларнинг кузатувига кўра, Европа қитъасидаги бу мамлакатда аҳвол ҳануз тушунарсиз ва мураккаблигича қолмоқда.

Нафақат қўзғолончилар, балки тинч аҳоли қўлида ҳам катта миқдорда қурол мавжуд бўлгани ҳолда сайловлар қандай муҳитда ўтишини олдиндан илғаш қийин эмас. Европа кузатувчилари фикрича сайлов ўтадиган куни сайловчилар ўзларини етарлича ҳимояланган, дея ҳисобласалар ҳамда маънавий-руҳий зўравонликка дучор қилинмасалар сайловлар эркин ва ҳаққоний ўтди, дея ҳисоблаш мумкин. Яқин қолган сайлов кунида Албанияда шундай тартибқоида ўрнатилишига ишониш қийин. Сайлов куни сайловни кузатиш учун келган халқаро кузатувчилар қайси маъмурий бўлинмаларда хавфсизроқ бўлишлари мумкинлигини бугунги кунда ҳеч ким аниқ айта олмайди. Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти сайловни қузатиш учун Албанияга тўрт юз нафар кузатувчилар ва уларга кўмаклашувчи яна тўрт юз нафар техник экспертлар ва маслаҳатчиларни жўнатишни мўлжалламоқда.

Шу кунларда италияликлар раҳбарлигида мамлакат ҳудудида бўлган олти минг кишилик халқаро ҳарбий контингент ҳам кўпчиликнинг кўнглига хотиржамлик сололмаяпти. Бу ҳарбий қисмлар аҳоли қўлидаги қуролларни йиғиб олиш билан шуғулланмайди, балки албан халқига жўнатилган инсонпарварлик ёрдами бедахл қолиши ва талонторож қилинмаслигини таъминлайдилар. Чет эл аскарлари мамлакатда полиция вазифасини бажармайдилар, аммо халқаро кузатувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича йўл-йўриқлар олишган.

Айрим кузатувчиларнинг маълумотига кўра, сайловлар мамлакатнинг фақат тинч туманларида ўтказилиши эҳтимоли бор. Албания раҳбарияти ва халқаро ташкилотлар вакиллари аввало шу масалани ҳал қилиб олишлари лозим: ҳар қандай вазиятта қарамай, нима бўлганда ҳам тўлақонли сайловлар ўтказишга интилиш шартми ёки имкон доирасида ўтказилган сайловлар натижалари билан кифояланиш мумкинми? Аммо бундай ҳолатда ғолиб бўлганлар учун ҳокимиятга эгалик ҳуқуқи масаласи ва ҳокимиятнинг вазиятни бир изга солиш борасида баҳсли саволлар пайдо бўлади.

Бугунги кунда Албаниянинг кўпгина шаҳарларида 21.00дан кейин — яъни полиция соати бошланиши билан кўпинча ўқ овозларини эшитиш мумкин. Кимдир жиноятчиларни қўлга олиш, кимдир эса шунчаки зерикканидан ёки шўхликдан ўқ отади.

Ҳозирча ҳеч ким сайловларда бугунги кунда Президент Сали Беришнинг мамлакатни бошқараётган демократик партиясини ёки мухолиф социалистик партиянинг ютиб чиқиши учун имкониятлари кўпроқлигини аниқ айтиб беролмайди.

Исён чиққан мамлакат жанубида фаолият кўрсатаётган миллий қутқарув комитетлари Президент Беришнинг истеъфога чиқишини талаб этмоқда. Аммо уларни социалистларнинг тарафдорлари деб ҳам бўлмайди. Афтидан, комитетларнинг раҳбарлари алоҳида бир сиёсий кучни тузиб, бўлажак парламент таркибига кирадилар.

Олдиндан қилинган ҳисоб-китобларга қараганда, ҳозирча социалистлар олдинги ўринларда туришибди: сайловчиларнинг 40 фоизи улар учун, Сали Бериш ва унинг партияси учун эса 30 фоиз сайловчиларнинг овоз бериши кутилмоқда.

29 июнда бўлиб ўтадиган сайловлар ҳақиқий деб тан олинса, Албанияда сепаратизм ҳукмрон бўлиб қолиши кутилмоқда.

Мамлакатнинг уч қисмга бўлиниб кетиши аниқ бўлиб турибди. Шимолий қисми — мусулмонлар ва демократлар, жанубий қисмига эса насронийлар ва социалистлар таъсирига тушиб, учинчи — марказий қисм эса маъмурий вилоят бўлиб қолади.

С. АШУРОВ.

БУ САФСАТА ЭМАС

Россия тахтининг вориси, Романовларнинг набираси князь Георгий Романов Россияга ташриф буюради. 16 ёшли Георгий Романов ҳозир Испанияда яшамоқда. Бироқ шунга қарамай у доимий яшаш учун Россияга келмоқчи. Фақат уни бутун Россия подшоси этиб тайинласалар кифоя эмиш. Айрим россиялик билимдонларнинг фикрича, Россияда коммунизмдан кўра монархия яхшироқ бўлармиш. Айримлар эса монархияни тиклаш анархия билан баробардир, дейишаётир.

* * *

Хавфсизлик хизматининг собиқ раҳбари генерал Александр Коржаков таслим бўлишни истамаяпти. У ҳамон ўзининг «Генералнинг қўлёзмалари» китоби босилишидан умидвор. Генерал бу китобда Борис Ельциннинг шахсий ва сиёсий ҳаётидаги энг ёрқин воқеаларни тасвирлаган. Коржаковнинг сўзларига қараганда жаҳон жамоатчилиги Россия Президенти лавозимини эгаллаб турган киши ҳақидаги бор ҳақиқатни билиши керак. Ҳозирча Александр Коржаков китобнинг қачон дунё юзини кўришию ва унинг ноширн ким эканлигини сир тутмоқда.

* * *

Маълум бўлишича, кўпгина ирландияликлар ишга жойлашишда қийинчиликларга дучор бўлишаётир. Ирланд болалари англиялик ва шотландиялик тенгдошларидан доимо калтак еб турадилар. Бундан ташқари Буюк Британияда яшайдиган ирландлар асаб касалликларининг кўпгина турларига дучор бўлишаётир. Бироқ ирландларнинг ўзлари буни доимий равишда ҳазилга йўядилар.

Кеча Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида транспорт бўйича учинчи Умумевропа конференцияси ўз ишини бошлади. Учрашув давомида Умумевропа транспорт йўлларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади. Айниқса, бу йўлларни молиявий таъминлаш, баҳоларини аниқлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш масалалари кенг муҳокама қилинади.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

* * *

НАТО Бош котиби Хаввер Солана кеча Босния ва Герцеговинага ташриф буюрди. У Босния ва Герцеговина президиуми аъзолари, НАТОнинг вазиятни мувофиқлаштириш кучлари қўмондонлиги вакиллари, фуқаролар ташкилотлари арбоблари ҳамда мухолиф кучларнинг фаоллари билан учрашади.

БЎЛАКЧА ФЕЪЛ-АТВОРЛАР

Машҳур кишилар ҳаётидан

XV асрда Ҳиротда яшаб ўтган машҳур шахматчи Мир Муртоз ҳақида Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам эслатиб ўтишган. Мир Муртоз шахматта шу қадар ишқибоз эдики, қаршисидаги рақиби билан дона сура туриб, ёнидаги яна бир шахматчининг этагидан ушлаб турарди. Агар «рақиби» биргина бўлса осонликча унинг олдидан кетолмасди.

* * *

Етти ёшидаёқ Қуръони Каримни ёддан билган шайх Уррайс Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида «Ёшим ўн саккизга борганида бор илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим» деб ёзган. Бухоро амири Нуҳ ибн Мансурни оғир касалликдан оёққа турғазиб юборган буюк аллома «Кечқурунлари олдимга чироқни қўйиб, то уйқу босгунча ўқиш ва ёзиш билан банд бўлардим» деб ёзган.

* * *

Муҳаддислар пешвоси бўлмиш Имом Бухорий эса қайси бир китобни қўлга олиб, бир маротаба мутолаа қилсалар, ҳаммаси ёд қолаверган. Имом Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан бири Хошид Ибн Исмоил қуйидагича ривоят қилади: «Имом Бухорий бизлар билан бирга устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларни биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий фақат қулоқ солибгина ўтирарди. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб ўн беш минг ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: «Сен нега ҳадисларни ёзмайсан? — деб таъна қилган вақтимизда: «Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман», деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик».

* * *

Француз ёзувчиси Проспер Мериме тишининг оқини кўрсатмаган демасак-да, у ҳеч қачон хандон отиб кулган эмас. У аслзода оқсуяклардек башанг кийинадиган ва бенуқсон хулқ-атворли, гапга чечан, зукко ҳамсуҳбат эди.

Мериме энг ичакузар латифаларни ҳам муҳим масалани муҳокама этаётгандек босиқ товуш билан жиддий қиёфада айтиб берган. Ўзининг эътироф этишича, у асарларини кўпинча бекорчиликдан ёзар, меҳмон кутиб туриб ҳам бирор нарсани қоралаб вақт ўтказарди.

* * *

Шиллер бўлса бирор нарса ёздим дегунча, оёқларини совуқ сувга солиб олар экан. Жан Жак Руссонинг қилиғи эса ундан ҳам ошиб тушар экан. Куннинг қизиган маҳали ҳам қуёш тиғида ўтирганича бемалол хаёлга чўмаркан.

* * *

Бернард Шоу кексайган чоғида ҳам бозорнинг ғала-ғовур жойини топар, кўпинча уни поездларда эгилиб олиб ён дафтарига алланималарни ёзаётган ҳолда кўришарди. Шоир яхшилаб кийинган олғач, уйдагиларга «Пьеса ёзгани кетяпман!» деб қўйишни унутмас экан.

Ойбек ҲАКИМОВ саралади.

Турфа олам— турфа одам

ЕР ШАРИ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Британиялик олимлар янги компьютер ёрдамида ер шарининг илк пайдо булиши давридаги ҳолатини чизишни режалаштирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, Кембриж университетининг физика кафедрасига ўрнатилган ушбу компьютер — «Космос» бундан 10 миллиард йил олдинги «катта портлаш» давридан бошлаб, то ҳозирги вақтгача бўлган даврда ер шари қандай шаклларга эга бўлганини аниқлашга қодир экан. Маълумотларга қараганда, «Космос»ни яратиш учун 3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ кетган. Компьютерда 32 та микропроцессор жойлаштирилган бўлиб, у энг юқори тезкор хотирага, яъни 8 минг мегабайтга эга.

«СКУЛЗИТ—2000»НИНГ ХОСИЯТИ

Ирландия ҳукумати «Скулзит—2000» деб номланган махсус дастур ишлаб чиқди. Дастурга кўра, 2000 йилгача Ирландияга барча мактабларда халқаро Интернет тармоғига уланган компьютерлар булиши лозим. Режалаштирилганидек, ҳукумат ўқитувчиларни тайёрлаш ва интернетга уланиш учун керак бўлган алоқа воситаларини сотиб олишни ўз зиммасига олади. Харажатнинг бир қисми эса, хусусий компаниялар томонидан қопланади.

Диққатга сазовор томони шундаки, бундай тадбир нафақат ўрта мактаблар учун, балки, 4-12 ёшли болалар ўқийдиган бошланғич мактабларда ҳам амалга оширилиши режалаштирилган.

ЧЕКИШ — ФРАНЦУЗЛАРГА ХАВФ СОЛМОҚДА

Чорак асрдан кейин Франциядa ҳар йили тахминан 160 минг одам чекиш оқибатидан келиб чиқадиган саратон касаллиги туфайли ҳаётдан кўз юмиши мумкин, дея ташвиш билдирди Париждаги Постав Русси номидаги эпидемология институти олимлари. Яъни, уларнинг фикрича, одамларнинг тамаки маҳсулотларига бўлган муносабати ўзгармаса, 2020-2025 йилга келиб чекиш дастидан рак касалига чалиниш ва шу дарддан нобуд бўлиш кескин даражада ошиб кетар экан. Энг аянчлиси эса, кейинги пайтларда бу оқимга аёлларнинг ҳам шитоб билан қўшилиб бораётганидир.

АНТАЛИЯ — САЙЁҲЛАР МАСКАНИ

Илму ҳикмат сувни ёндирар

КОМПЬЮТЕР ТАЪСИРИ ОСТИДА

Келажакда ажойиб шахсий митти компьютерлар яратиладики, унинг тизимлари компьютер соҳибининг миясига «уланган» бўлади, аниқроғи, инсон миясига таъсир этади, дейди Ғарбий Англия университети профессори Питер Томас. Бу компьютерлар энергияни туфли ё ботинка остиға ўрнатилган генератордан олади. Олимнинг сўзларига қараганда, мазкур йўналиш бўйича ишлар бошлаб юборилган ва яқин ўттиз йиллар ичида «мияли» компьютерлар пайдо бўлади. Ҳарбийлар унинг биринчи эгалари бўлиши кўзда тутилган. Улар эндиликда жанг ва машқ майдонларида ўзаро алоқалар ўрнатиш учун маҳобатли радио мосламаларни кўтариб юришмайди. Шу митти қурилманинг ўзи барча ишларни бажаради: у бевосита сунъий йўлдош (спутник) алоқаларига уланган бўлиб, ҳарбийлар ҳар қандай вазиятда ва ҳар қандай шароитда керакли ахборот ё буйруқни олиши ва узатиши мумкин.

Кейинчалик ҳарбийлар бу компьютерлар билан тўлиқ таъминлангач, кўзи ожизларни ушбу асбоб билан «сийлаш» мўлжалланган. Бу жиҳоз улар учун ҳам алоҳида шакллантирилган бўлиб, видеокамера орқали теварак-атрофдаги манзара ва ахборотларни тизимга узатади ва бу тизим ўз навбатида керакли тасвирни ахборот тарзида мужассамлаб миянинг кўриш-сезиш, ҳис қилиш нуқталарига узатади. Қарабсизки кўзи ожизлар кундалик турмушда ҳеч қандай мушкулликка учрамайдилар.

Шунингдек, молия соҳасида ишловчилар, умуман ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар ҳам ушбу компьютердан фойдаланишлари кўзда тутилмоқда. Улар учун махсус кўзойнак яратилади ва бунда бутун ахборотлар тасвирланиб, у экран вазифасини ўтайди.

Бироқ профессор Питер Томаснинг мазкур келажак дастури айрим муаммолардан ҳоли эмас. Негаки, унинг дастурига ҳозирданоқ қарши чиқаётганлар ҳам бор. Эмишки, компьютер худди гиёҳванд моддага ўхшаб, одамларни ўзига «михлаб» олади ва бора-бора кишилар унинг қулига айланармиш. Бунга мисол қилиб улар кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотлар натижаларини кўрсатишмоқда. Маълум бўлишича, «компьютерлашган» болалар атроф-муҳитга бефарқ бўлиб қолишмоқда, дейди улар.

Бундан ташқари, мутахассислар томонидан «мияли» компьютерларни тоза, соф ғоя ва дастурлар билан таъминлаш муаммоси ҳам кўндаланг бўлиши табиий. Ахир, мияга таъсир этувчи бу компьютер дастурлари ҳар доим рисоладагидек яхши бўлишига, ёмонликка бошловчи «фикр»лардан ҳоли бўлишига ким кафолат беради? Босқинчи компьютерли болалар тайёрланмайди деб ким ишонтира олади? Демак, танганинг орқа томонини ҳам ўйлаб кўриш, ўйлагандаям теран фикрлар ила ҳал этиш керак. Профессор Питер Томасни ҳам ҳозир шу масалалар ўйлантираётган бўлса ажаб эмас.

Алимқул ТОШБЕКОВ тайёрлади.

Аломат дунёнинг аломат гаплари

ИТГА ЭРКАТОЙЛИК ЯРАШМАЙДИ

Даъфатан бу саволни берган кишига ажабланиб қарашимиз турган гап. Ҳеч вақт итлар ҳам телевизор кўрадими? Кўраркан. Аслида бунинг ҳеч ҳайратланарли ериям йўқдир. Лекин кўргандаям ашаддий ишқибозлари, дастурларни танлаб-танлаб томоша қилгани-чи?!

Мутахассисларнинг тадқиқот якунларига қараганда Америкадаги 80 фоиз ҳайвонлар, жумладан, итлар ҳам ҳар куни 9 соатлаб телевизор олдида «ўтираркан». Айниқса, ёлғиз яшовчиларнинг ити-ю, мушуги хўжаси билан баб-баравар телебангилиги бироз ғалатироқ ҳам.

— Ретт зотли итим «Шамолга совурилган» фильмини уч марта «кўрди», — деб ёзади хўжаси.

Сент-луислик яна бир кучук эгаси бўлса: «Пудель зотли итим сал ғиншиш бошласа телевизор қўяман... «Қирол Лир тинафар уй ҳайвони асровчиларга анкета саволлари жўнатишди.

«Итингиз ёки бошқа уй ҳайвонингиз ТВнинг қайси дастурини «ёқтиради?»

Оклахома штатининг Стиллуотер шаҳрида яшовчи доктор Хайт Вильямсоннинг ўзиёқ «жавоб»лардан шошиб қолди.

— Очиғи бунчалик деб ўйламовдим, — дейди доктор Хайт, — кучук, мушук, тўтиқушлар у ёқда турсин, ҳатто чўчқалар ҳам «ён-бошлаб ёки эгасининг тиззасига ястаниб «томоша» қилади-да. Яна уларнинг «диди»ни-чи? Дастурларни танлаб «кўришади».

Маълум бўлишича, ҳайвонлар кўпроқ табиат олами, «Лэсси» сериалини, (итлар ҳақидаги), ит, мушуклар ҳақида ҳикоя қилувчи фильмларга ўч экан. Айтайлик, тўтиқушлар-чи? Мана, қаранг. Миннеаполисда яшовчи тўтиқуш «Бум-бўш уя» фильмини, Алабамадаги овчи ит бўлса «Қотиллик» саргузашт фильмини ёқтирармиш...

Индианополисда яшовчи бева аёлнинг эркатой мушуги бўлса шанба кунни телевизорсиз ўтказолмас, бекаси то телевизор мурувватини бурагунча «хархаша» қилармиш...

Чўчқалар ҳам қолиб кетмасин бир четда. Уларнинг «мухлис»лигидан ҳам, шингил. Арнольдда яшовчи фермер шундай «томошабин» чўчқасининг баҳридан ўтиб юборди. Чунки «Яшил ўтлоқлар» фильмини тўсатдан узиб қўйишганди, чўчқа «асабийлашиб» ҳовлини остин-устун қилиб ташлади. Шу-шу чўчқа «асабий» бўп қолди. Хўжайин уни қўшни фермерга пуллаб юборди.

— Уларнинг қизиқиши баъзан хўжасининг хоббиси билан бир хил ҳам бўлади, — деб ҳисоблайди доктор Вильямсон.

Яна бир қизиқ томони Америкадаги итларнинг 90 фоизи шанба кунини телебангилик билан ўтказаркан.

Хуллас, Америкадаги ҳайвонлар шу тариқа телевизор «кўраркан». Кўрса-кўрар, бунинг бизга кўпда аҳамияти йўқ. Фақат кишини ўйлантирадигани, телекўрсатувларнинг ранг-баранглигидир. Бу ҳақда мулоҳаза қилса бўлади.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 24-iyun, seshanba № 73 (22.157).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0361

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ВАТАН ҚИЁФАСИ

Таниқли фото устаси Абдулғани ЖУМА билан мулоқот

— Сизнинг асарларингизда асосан Ватан қиёфаси, юрт манзаралари акс этади, десам, эътироз билдирмайсизми?

— Йўқ. Менинг ижодий йўлим — шу. Мен адабиётни, шеъриятни, масалан, Абдулла Орипов шеъриятини шу даражада севганимда, эҳтимол, фотограф бўлолмасдим.

— Суратга олмоқчи бўлган нарсангизга қандай муносабатда бўласиз?

— Мен суратга олмоқчи бўлган объектимни ёқтириб, яхши кўриб, ҳатто севиб қолган бўлишим керак. Акс ҳолда, ишим юришмайди. Масалан, дарахтни тасвирга олмоқчи бўлсам, унинг танаси, новдалари, гуллари, барглари, ҳатто хазонини ҳам ёқтириб қоламан. Бирор кишини суратга олмоқчи бўлсам унинг қўллари, қўлларининг ҳаракатлари, киприклари, киприк қоқишлари — ҳаммаҳаммасини яхши кўриб қоламан.



— Фотографнинг объектга бўлган муносабати суратда акс этадими?

— Акс этмаса, суврат ҳиссиз ёзилган шеърдек чалажон бўлади.

— Баъзан рассомларнинг асарларидан кўчирма кўчириб, машҳур рассомларнинг номини кўйиб сотишади. Ёлғон нусха кўчирадилар. Бу нарса рассомларга катта зарба бўлиб тушади. Сизнинг фотосуратларингиздан ҳам нусха кўчириб, ёки ўзларининг номларини кўйиб эълон қилишганми?

— Рассомлар ҳақида гап очганингиз яхши бўлди. Рассомлик ва фотография санъатининг чамбарчас боғлиқлик анъаналари ҳозиргача сақланиб қолган. Зеро, фотограф муваффақиятининг асоси рассомликда ётади. Профессионал рассомлар орасида дўстларим кўп. Уларнинг даврасида кўп бўламан, тасвирий санъат мавзусидаги ўзаро суҳбатлар кучли бахсларга айланиб кетган ҳоллар ҳам бўлган. Бундай давраларнинг ижодкор учун аҳамияти катта.

Ўзимга қайтсак, кўпгина портрет, пейзаж ишларим рассомлар томонидан бадиий картина ёки портретга асос қилиб олинган ҳоллар кўп бўлган, бундан фахрланиб ҳам юраман.

— Сиз нима учун суратга туширасиз? Ўзингиз, кўнглингиз учунми ёки одамлар ҳам кўриши учунми?

— Ҳар бир профессионал фотограф фаолиятида сурат олиш доимий эҳтиёжга айланиб қолади. У доим янги сюжет, образларни кузатиб, қидириб юради. Кўнглим тўлган ишларимни одамларга тақдим қиламан.

— Сиз фотографиянинг бир тармоғи билан шуғулланасизми, масалан, портретлар, осори-атиқалар, урф-одатлар, табиат манзаралари ёки умуман фотография биланми?

— Фотография кўп жанрли санъат. Илк даврларда (англиялик Тальбот, америкалик Стиглиц, француз Надар, россиялик Наппельбаумлар каби юзлаб фотографлар) унинг пейзаж, портрет каби жанрлари, ривожланган техника такомиллаша борган сари янги жанрлар — репортаж, туризм, спорт, фотоохота (ҳайвонлар ва ўсимлик дунёси ҳақида) билан шуғулланганлар. Кейинчалик сув остида суратга олиш каби махсус жанрлар пайдо бўлган. Классик фотографияга оид портрет, пейзаж, фоторепортаж асосий севган жанрларимдир.

— Фотография билан рассомликнинг умумий ва хусусий хусусиятлари хусусида сўзлаб бергансангиз.

— Суҳбат бошида бу саволга жавоб-бошлаб кўйдик, шекиллик. Композиция яратиш, бадиий сюжет, образ, мавзуни ёритиш умумий томонлардир. Рассомликда композициядаги деталлаштиришда, зарур даражада ранглар мутаносиблигига эришишда имкониятлар кўпроқ. Худди шу имкониятларнинг чегараланганлиги туфайли фотосурат — тарихий ҳужжат, объективлик, кучли ишонтириш кучига эга бўлади. Шунинг учун ҳам фотография, бадиий топилма, ноёб асар сифатида ҳам бокий қолади.

— Адабиётга алоқангиз? Шоир ва ёзувчилар билан муносабатингиз? Фотография билан адабиётнинг яқинлиги борми?

— Адабиёт — ҳаётнинг ширасиси. Тоза шира «йиғувчи»лар билан муносабатларим доимий эҳтиёж каби чегарасиз. Бадиий сўз, хусусан шеърият ҳаётимда илҳом манбаи. Бирор бир сатр ёки шеър дилимда такрорланаверса, руҳиятимда ўзгариш пайдо қилади, кўнглим жунбушга келиб беихтиёр шеърнинг тасвирий образини қидира бошлайман. Масалан, «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» сатри ёдимда михланиб қолган. Шундан бўлса керак, югуриб кетаётган болакайми, кўрпачада чордана ўтирган ҳангомаси қизиқ мўйсафидми ёки дунё ғамини кўп чеккан момодир, меҳри тоблайверади, мени.

Чўпон қўраси ёки сермева боғ, буғдойзор ёки кенгбағир чўл — ҳаммасида ягона Ватан — Ўзбекистон рамзи мужассам бўлаверади. Бутун фикри-зикринг бу битмас-туганмас мафтункор суратни олиш билан банд бўлади.

Минорлар эмас бу — фалакка
қасам,
Қасоскор боболар кетмишлар
санчиб,
Мен тортган ғамни ҳам бир-бир санасам,
Ўлик Фиравнлар кетарлар сапчиб,

сатрлари фикримни чулғаган пайт ҳар бир ғишту деворлар, тошу минорда қадим халқимизнинг тарихи, тақдири ёзилгини чуқур-чуқур англайвераман. Яна у ёки бу нуқтани қидиравераман. Севимли шоиримизнинг «Саратон» шеъри ёз ойларида илҳомимни юз чандон орттиради. «Иложини топса агар, кетмоннинг дастасини ҳам ерга қадаб термулиб кўкартирувчи бу халқни муносиб мадҳ этиш учун қанча меҳнат-машақкат талаб қилинади. Бу сатрлар шу юрт, шу эл олдида қарзларинг бисёр эканлигини, бир кун бўлса ҳам эсдан чиқаришга имкон бермайди.

— Рассомлар анатомияни ҳам махсус ўрганишади. Бу билим инсонни чизишда асқотади. Фотографлар-чи, масалан сизчи, анатомияни ўрганасизми?

— Чингиз Аҳмаров ижодига жуда синчковлик билан рамз солар эканман, суратлардаги кўпчиликни мафтун этган жозибанинг асл моҳияти ҳақида кўп ўйлардим. У ҳассос мўйқалам соҳибининг бетакрор мактаби қайта ўрганилиши муқаррар. Мусаввирнинг ўнлаб маҳобатли деворий суратлари, юзлаб матога ёзилган картиналари, уларнинг мавзуси, асарлари сюжети, композициялари ҳақида кўп ёзилган. Мени кўпроқ рассомнинг ишлаш техникаси, услуби, пировардида маҳорати кўпроқ ҳайратга соларди. График услубда тортилган, бир қарашда даҳл мовий, яшил ёки малла чизиқлар тагидан ниҳоятда мукаммал анатомия — қиёфа — маҳлиё қилувчи образ намоён бўлади. Худди шу нарсани англаб етгач, мен бу ҳолнинг фотографиядаги ўрни ҳақида ўйлай бошладим. Ҳамма вақт суратга олаётганимда (айниқса, портрет устида ишлаётганимда) биринчи навбатда шу нарсани эътиборда сақлайман. Аввал образнинг тасаввуримдаги кўринмас шартли ва яширин ички чизиқларини белгилаб оламан. Шундан келиб чиқиб, образнинг бошқа мутаносибликлари ва деталларини топаман. Оқибатда суратнинг фараз инъикоси пайдо бўлади. Маълум руҳий ҳолат, алоҳида тайёргарлик, вақт талаб қилинмайди. Кўриниб турибдики, анатомиядан хабардор бўлиш қай даражада аҳамиятга эга. Шуни хурсандчилик билан айтишим мумкинки, устоз Чингиз Аҳмаровнинг кўп мартаба суҳбатига мушарраф бўлганлигим менинг ижодимга катта таъсир ўтказган.

Биз бадиий фотография ҳақида фикр юритаётганимизни инобатга олиб, фақат санъат ҳақида гаплашдик. 40-50 йиллардан сўнг маиший фотография алоҳида тармоқ бўлиб ажрала бошлаган. Кейинги 20-25 йил ичида пайдо бўлган маиший фотографиянинг фотография санъатига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин ундан катта санъат усталари ҳам етишиб чиқиши мумкин.

— Рассомлар расмини чизаётган одамини яхши кўриб қолади. Фотографияда суратини олаётган одамга ҳам меҳр пайдо бўладими?

— Ижодкор-фотограф нарса-воқеанинг ичидан туриб, уни тўлақонли ҳис этган ҳолда суратга олади. Портрет устида ишлаётганда ҳам биринчи шарт ўша натура билан бўлган муносабатдир. Муносабат эса портретини ишлаш керак бўлган одамнинг ички дунёсини қанчалик англай билишдан иборат. Энг масъул иш ижодкор — шоир, ёзувчи, рассом ёки катта қўшиқчи портретини яратиш.

Масалан, Абдулла Орипов портретини унинг «Юзма-юз» достони, Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи асарлари асосида портретини тасаввур қилганман.

— Одамларни характерини махсус ўрганасизми? Фотода характер акс этадими?

— Ижодкорнинг образини яратишда унинг ижодидаги қаҳрамон туртки беради. Гап ана шу характерни фотопортретда акс эттира олишади. Кўп ҳолларда узоқ кузатиш, ўрганиш керак бўлади. Фотографнинг зеҳни, сезгисига кўп нарса боғлиқ. У ўз қаршисидаги одамга руҳий таъсир ўтказа олиш даражасида бўлолса, ишнинг фақат техник маҳорат кўрсатиш томони қолади. Бу ҳамма суратларда характер бўлиши керак деган гап эмас, албатта.

— Ҳаётдаги одам билан суратдаги одамнинг фарқи борми?

— Оний лаҳзани ҳеч ким фотографчалик тутиб қололмайди. Бир оний лаҳзада — фарқи бўлмайди. У ўтиб кетгач, фарқланиши мумкин. Гёте «оний лаҳза — узайгин» деб ёзади. Фотографларни лаҳзаларнинг тарихчилари дейиш мумкин.

— Ким кўнглидан кўп нарса кечирган бўлса, унинг нигоҳида ҳам кўп ифода, юзи билан қўлида эса кўп чизиқлар бўлади, деб ўйлайман. Қўшиласизми, йўқми?

— Инсоннинг қалбидаги кечинмалар, хаёл-фикрлари, ички ғалаёну сокинликлари унинг юз-кўзида, хатти-ҳаракатларида, юзи, қўлларидаги ажинлар, чизиқларда, нигоҳи ва овозида, ҳатто кийган кийими, тановолл қилаётган озиқасида акс этади: Дейлик, бугун тўқсон ёшни қоралаб қолган кекса бобони, санъат таъбири билан ифодалаганда, халқимиз ичидаги типажни қаранг. У ўз бошидан 1936-37 йиллар қўрқувини, 1941-45 йиллар даҳшатини, урушдан кейинги очарчилик, қимматчилик йилларини, ундан кейинги даврларнинг муҳитини юрагидан ўтказган. Юракдан ўтган нарсаларнинг изи эса инсон қиёфасида қолади. Мураккаб ва ўчмас бир тарзда қолади.

— Рассом чизган портрет рассомни ўша одам ҳақидаги фикри бўлади. Унинг маънавий дунёси, дунёқараши, юриш-туриши, қиёфаси унинг олами ҳақидаги мусаввирнинг тасаввуридир, айтиш мумкинки ҳукмидир. Фотографияда-чи?

— Сиз ҳақсиз. Рассом ҳақида айтган фикрингизни фотографияга ҳам тегишли десак жуда ўринли бўлади.

— Санъат санъат учун, маҳорат ва қалб. Бу масалага қандай қарайсиз?

— Ҳамма санъатлар бир-бирини тўлдиради. Санъат — гўзалликни ҳис қилиш демак. Маданийлашган жамиятда санъатни севиш, тушуниш инсон савиясини белгилайдиган мезон деб ҳисоблайман. Киши ижодий фаолиятининг ҳар қандай турида туйғу — бирламчи — Худодан. Туйғуларнинг Ватани — қалб. Маҳорат — тарбия, билим, тажриба, эътиқод маҳсули. Фақат маҳорат билан юксак даражадаги санъат асари яратиб бўлмайди. Очиғини айтсам, «санъат санъат учун» деган гап аслида тўғри. Шундай ҳолда санъат тўлақонли қабул қилинади. Ҳақиқий санъат асари аслида одамларда сезги уйғотиб, унга таъсир ўтказади. Инсон, жамият шундан маънан юксалиб боради. «Гўзаллик инсонни қутқаради» деган ибора ҳам шундан келиб чиққан бўлса, ажабмас.

— Рассом ранглар, шоир-ёзувчи сўзлар орқали ўз (шахсий) фикрини ифода этади. Фотографияда-чи? Унинг имкониятлари бу борада чекланмаганми?

— Фотографияни бир афзал хусусияти унинг документаллиги дедик. Бу унинг маълум жиҳатдан чекланган эканлигини билдиради. Лекин санъатда абстракция, сюрреализм, фотомонтаж каби йўналиш ва техник усуллар ҳам бор. Аммо бу унинг энг асосий афзаллиги — объективлигига, ҳаққонийлигига путур етказади. Мен буни ёқламайман.

— Илья Репин ўзининг машҳур «Бурлаклар» расмини ишлаганда, мутахассислар бу расмда бурлакларнинг ижтимоий исёни акс этган, эксплуатацияга қарши исён, деб талқин этадилар. Репин эса ўз хотираларида, мени уларнинг ижтимоий кайфияти, кийим-бошлари, қиёфалари эмас, фақат ранглар ва соялар қизиқтиради, деб ёзади.

— Ҳақиқатдан ҳам рассом учун шакллар, услуб ўз-ўзини тақозо қилади. Энг муҳими ранглар. Фотографияда эса кўпроқ объект танлаш, кутиш асосида қурилади.

— Фактлар — анъана, илм — санъат бўлолмайди...

— Инсон боласи кўз очиб, дунёни ҳали номи ўзи учун номаълум ранглларда кўради. Фотографиянинг ҳам ижтимоий вазифаси шундан келиб чиқади. Ҳали тили чиқмаган болаларимизнинг олдига ранг-баранг рангли фотоальбомларни — ҳайвонот, қушлар, табиат ҳақидаги китобларни қўйиб қўйсак, уларнинг кенгроқ нарсаларни тасаввур қилишига йўл очган бўламиз. Фотоальбом дейишимнинг боиси шуки, ҳақиқатда ҳам рассом асарларидан кўра натура суратлар тез ишонтиради ва кўпроқ қизиқтиради — айниқса, болаларни. Шу йўсинда боланинг рангни ажратиш қобилияти ривожланади. Кўзи кўрган нарсани инсон қалбида янада бойитиброқ тасаввур этади. Чингиз Айтматов: «Болалар борлиқ — дунёни қалби билан кўрадилар», — дейди. Ватанга, тиирикликка муҳаббат шундан бошланади.

— Санъатда — «Санъат санъат учун»да қандай тасвирлангани муҳим, «санъатда мантиқ устун»да — нима тасвирлангани муҳим?..

— «Нима»ни тасвирлаш билан энг юксак санъат асарини яратиб бўлмайди. Ўша «нима»нинг «қандай» тасвирланиши натижасида юксак асарлар яратиш мумкин. Сиз юқорида келтирган И. Репиннинг фикри бунинг исботи. Санъат ижодкори ўз маҳорати ва сезги туйғуси билан камол топа боради. Маҳорат энг сўнгги чўққисига етганда, энди фақат катта қалбгина ижодий юксала боришга имкон топади.

— Ижодкорнинг яхши нарсалар яратиб юриб, бирдан бўш нарсалар яратиб қолиши ҳодисасига қандай қарайсиз?

— М. Лермонтовнинг «Оқ елкан» шеърини эсланг. Мен доим А. Ориповнинг «Кур, ярат денг, ҳайқир денг, жўш денг. Шундай яшар одатда одам!» сатрларини эсга олиб юраман. Инсон кайфият ва сезги соҳиби. Яхши ижодкорнинг бўш нарсаси ҳам аслида бўш бўлмайди.

— Абдуғани ака! Суҳбатимиздан кўнглингиз тўлдими?

— Баҳарнав. Қизиқчига жиддий муносабат қилинмагандай, фотограф бўлганим учунми, мендан ҳам фақат олди-қочди нарсаларни сўрашади...

Салим АШУР суҳбатлашди.

«...ЁШЛИК ҚИЛАСИЗ»

Спорт

1914 йили Петербургда ўтказилган йирик халқаро турнирга ўша пайтнинг энг зўрлари — Ласкер, Капабланка, Алехин ва бошқалардан ташқари яна икки англиялик шахмат фахрийси Блэкберн ва Гунсберг ҳам таклиф этилади. Фахрийлар-у, аммо ўзаро учрашувда «бир-бирларининг гўштларини ейдилар», «Сиз ҳам мен билан ўйнашга ёшлик қиласиз!» деди Гунсбергни ютган Блэкберн.

Ўшанда Блэкберн 72 ёшда, рақиби эса «эндигина» 60 га кирган эди.

Куни кеча Тошкентда ниҳоясига етган республика фахрийлар биринчилигида ҳам худди ана шундай воқеа юз берди. Республика эксчемпионлари, тажрибали спорт усталари Евгений Мухин билан Георгий Борисенко учрашуви кўп нарсани ҳал қилиши керак эди. Узоқ вақт мувозанат бизилмагандан, бир вазиятда оқ доналарни сурган Мухин бир пиёда эвазига қора отни ютиб олди. Бироқ рақиб пиёдасининг охирги горизонталга яқинлашиб қолгани ва бунинг устига оқ отларнинг ноқулай жойлашганлиги оқларнинг белига тепарди. Доналар алмашуви оқибатида Борисенко аввал моддий устунликка, сўнгра муҳим ғалабага эришди.

Георгий Борисенко яқинда 75 ёшлигини нишонлаган бўлса, Евгений Мухин 65 ёшга тўлади. Шундан сўнг Борисенкони тўхтатадиган киши топилмади; ғалаба кетидан ғалаба қозонаверган бу энг кекса шатранжчи оқибатда 13 имкониятдан 12 очко жамғариб, бошқалардан анча ўзиб кетди — бош соврин соҳиби бўлди. Ундан 1,5 очко ортда қолган Евгений Мухинга иккинчи ва 9,5 очко жамғарган спорт усталигига номзод, математика профессори Лев Коганга учинчи ўрин насиб этди. Дастлабки беш ўринни эгаллаган шатранжчиларга республика Ижтимоий таъминот вазирлиги таъсис этган совринлар, қимматбаҳо совғалар ва турли оромгоҳларга бепул йўлланмалар топширилди.

Мусобақанинг ёпилиш куни иштирокчилар учун яна бир синов — тезкор ўйин бўйича турнир ўтказилди. Ўйиннинг бошидан то охиригача иштирокчиларга ўйлаш учун бор-йўғи беш дақиқадан бериладиган бу мусобақада 11 имкониятдан 9,5 тадан очко жамғарган спорт усталигига номзодлар Искандар Бекиров билан Константин Малиничев биринчи-иккинчи ўринларни ўзаро баҳам кўрган бўлсалар, учинчи ўрин бу ерда ҳам Лев Коганга тегди. Ғолиблар «Табобат сари» фирмаси таъсис этган пул мукофотларига сазовор бўлдилар.

***

Куни кеча бошланган Азиддин Ҳўжаев хотира-турнирида 60 га яқин шахматчи иштирок этмоқда. Улар орасида таниқли спорт усталари ва усталикка номзодлар бор.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

МУРОД ҲОСИЛ ДЕЯВЕРИНГ

Пойтахтнинг марказий «Пахтакор» ўйингоҳи ҳар қачонгидан гавжумлашди. Ўзига хос футбол байрами бўлди. Жаҳон чемпионатининг масъулиятли саралаш учрашувларидан бирида бош терма жамоамиз билан Индонезия футболчилари майдонга тушдилар. Меҳмонлар сўнгги учрашувни ўтказишаётган бўлсада, гуруҳ ғолиби бўлиш илинжида эдилар. Зеро, футболчиларимиз тўртинчи учрашувни ўзлари учун муҳим бурилиш бўлиб қолишини яхши билардилар.

Майдонга вакилларимиз Бугалов, Давлетов, Федоров, Қамбаралиев, Шарипов, Ҳасанов, Ширшов, Бозоров, Лебедев, Мақсудов, Шацких (Ирисметов) таркибида тушдилар. Ўйин бошиданоқ мезбонлар ҳужумкорликка зўр беришди. Ҳисоб эса 12-минутда очилди. Дарвозани Олег Шацких нишонга олди. Ҳайқириқ янгради. Меҳмонлар ҳам жонланиб қолишди. Зеро, ҳисобни тенглаштириш осон бўлмади. 37-минутда Шуҳрат Мақсудов ўзини кўрсатди. Танаффусдан кейин меҳмонлар анча ҳушёр ҳаракат қилдилар. Лекин ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганда Шуҳратнинг абжирлиги яна иш берди. Футболчиларимиз умумий — 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Шундай қилиб, бош терма жамоамизнинг гуруҳ ғолиби сифатида иккинчи босқичга йўлланма олиши учун деярли имконият яратилди. Биринчи вазифа уддаланиб, мурод ҳосил бўлди деяверинг. Энди 13 июлда ғолибликка асосий даъвогарлардан бўлган Яман жамоасини кутиб, 29 июнда Комбоджа сафарини муваффақиятли уддалашимиз қолди, холос.

Гуруҳдаги манзара

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
Ўзбекистон	4	3	1	0	11-1	10
Яман	5	2	2	1	9-2	8
Индонезия	6	1	4	1	11-6	7
Комбоджа	5	0	1	4	1-23	1

ҚАЧОН ХАТО ҚИЛДИМ, ҚАЧОН АДАШДИМ? СУНБУЛ СОЧЛАРИМДАН ВОЗ КЕЧДИМ НЕГА?
ЭЙ, СИЗ ДУГОНАЛАР, ЗАР КОКИЛЛАРИМ НАҲОТ ЎТГАН КУНЛАР АРМОНДИР МАНГА...

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Нодира номли 45-ўрта мактаб томонидан 1986 йилда Каримов Шуҳрат Эргашевич номига берилган Г №951369 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси Г. А. Крайновга акаси **Борис Алексеевич КРАЙНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партиянинг республика парламентидаги фракцияси аъзоси, Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидовга синглиси **Маликахон ИНОҒОМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.